



## КАСАЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА ЁРДАМГА МУҲТОЖЛАРГА КЎМАКЛАШИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 август куни умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув йилига тайёргарлик масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилиши аввалида коронавирус билан боғлиқ вазиятга тўхталди.

Жорий ҳафтада кунига ўртача 370 та янги бемор аниқлангани, карантин талаблари юмшатишга ҳозирги шароитда ушбу рақам назорат кўрсаткичи бўлиши қайд этилди.

Президент ҳақиқий ҳолат бўйича рақамларни яширишга мўлжал қўйиб, маслиҳат тўғрисида барча раҳбарларни оғохлантирди. Бунга уриниш жинсий жавобгарликкача бўлган қатъий чораларга олиб келиши мумкинлиги таъкидланди.

Ҳокимлар, сектор раҳбарлари ҳамда мутасадди идоралар ходимлари ҳар бир маҳаллада, жамоат жойлари, транспорт ва корхоналарда санитария талаблари бажарилиши бўйича темир интизомни таъминлаши зарурлиги айтиб ўтилди. Айниқса, тўй-маросимларни бир неча кун давомидида ёки бир кунда 3-4 марта ўтказиш ҳолатларига чек қўйиш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Коронавирусга чалинган беморларни дунёдаги энг илғор ва ишончли усуллар билан даволаш учун барча чоралар кўрилатгани, жумладан, ҳозирги пайтда Россия, Германия, Туркия, Хитойдан 75 нафар юқори малакали шифокор юртимизда иш олиб бораётгани таъкидланди.

— Инфекцияни юқтирмастик, аввало, ўзимизга, ўз соғлигимизга бўлган эътиборимизга, оиламиздаги муҳитга боғлиқ. Агар ҳамма, бутун жамиятимиз тозалик, тиббий ҳимоя ва ижтимоий масофа қоидаларига амал қилса, касаллик кўпаймайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда кўмакка муҳтож оилаларга моддий ёрдам бериш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Шу мақсадда 26 август куни давлатимиз раҳбарининг "Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги яна бир қарори қабул қилинган эди.

Қарорга кўра, кўмакка муҳтож оилаларнинг болаларини қишқи кийим-бош, мактаб формаси ва ўқув қуроллари билан таъминлаш мақсадида "темир дастар"га киритилган, боқувчисини йўқотган ва ногиронлиги бўлган 16 ёшга тўлмаган болаларга 500 минг сўмдан ёрдам пули берилади. Ушбу моддий ёрдам билан жами 810 мингдан зиёд болалар қамраб олинади. Бунинг учун 400 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағлари ажратилди.

Боқувчисини йўқотган оилалардаги ва ногиронлиги бўлган 16 ёшга тўлмаган болалар бўйича аниқ ҳисоб-китоблар мавжуд бўлиб, тўловлар Пенсия жамғармаси томонидан пенсия ва нафақага қўшиб берилади. Бу жуда қўлай, чуқки тизим бор.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, ҳокимлар ҳамда сектор раҳбарларига ёрдам пулларини муҳтож оилаларга адолатли, очиқ ва тўғри етказиб бериш, ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмаслик юзасидан топшириқлар берилди. Аҳоли билан учрашиб, ушбу маблағлар ҳақиқатда ёрдамга муҳтож болаларнинг баркамол ривожланиши ва соғлини учун сарфлангани зарурлигини тушунтириш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

## ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 28 август куни умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув йилига тайёргарлик масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бутун дунёга ёйилган коронавирус пандемияси таълим соҳаси олдида ҳам янги муаммо ва талабларни қўймоқда. Мамлакатимизда коронавирус инфекцияси аниқланганидан сўнг, 16 мартдан бошлаб, анъанавий таълим жараёни вақтинчалик тўхталган эди. Болалар уй шароитида онлайн тахсил олди.

Янги ўқув йили яқинлашгани сари барча ота-оналарни ўқиш қачон ва қай тарзда бошлангани қизиқтирмоқда. Бугунги кунда мактаб ўқувчилари сонни олти миллион икки юз мингдан зиёдлиги инобатга олинса, юртимизда бу масалага бефарқ оила йўқлигини айтиш мумкин.

Шу боис давлатимиз раҳбари ҳукуматга бу борада халқ фикрини билиш, ота-оналар ва муаллимлар билан маслаҳатлашган ҳолда, ҳар томонлама чуқур ўйланган қарор қабул қилиш бўйича кўрсатма берган эди.

Шу мақсадда, Халқ таълими вазирлиги томонидан алоҳида сўровнома тузилиб, ҳар бир ота-онанинг фикри батафсил ўрганилди. Бу тadbирда 5 миллион 500 минг нафар ота-она иштирок этди. Уларнинг 76 фоизи таълим жараёнини мактабга қатнаган ҳолда, яъни анъанавий шаклда олиб бориш тарафдори бўлган. 24 фоизи эса масофавий шаклда — теледарслар орқали давом эттиришни маъқул қўришган.

Бундан ташқари, мазкур масала юзасидан дунёдаги вазият ҳам ўрганилди. Куни кеча Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти раҳбари Тедрос Гебрейесус дунёда коронавирус касаллиги яна икки йилгача давом этиши мумкинлигини билдирди. БМТ Бош котиби Антонио Гутерриш пандемия сабабини кўп давлатларда тўхтаб қолган таълим жараёни оқибатлари келгусида дунё ҳамжамияти учун ўта оғир бўлиши мумкинлигини айтди. Бу дегани барчамиз пандемия шароитида коронавирус билан яшаш, ишлаш ва фарзандларимизни ўқитишга тайёр бўлишимиз керак.

Ўқитувчилар билан ўтказилган мулоқот-

ларда ҳам аксарият педагоглар болажонларнинг кўзи ва қалбларини соғинганини, таълим ва тарбия беришга тайёр эканини, мактаблар очилишини орақиб қутаётганини билдиришган.

Шу хулосалардан келиб чиқиб, мактабларда таълим жараёнини бир вақтнинг ўзида икки хил шаклда ташкил этишга қарор қилинди. Яъни, аксарият ота-оналар талабига кўра анъанавий, шу билан бирга масофавий шаклда йўлга қўйилади.

— Мендан бугунги кун қаҳрамонлари ким деб сўрашса, бу соғлиқни сақлаш ходимлари билан бир қаторда хурматли устозларимиз, деб айтган бўлар эдим, — деди Президент йиғилишда.

Давлат раҳбари жамиятда ўқитувчи ва устозларнинг обрўйини кўтаришга эътибор талаб даражасида эътиборини таъкидлади.

— Бу ерда гап фақат моддий рағбат ҳақида эмас. Биз ўзини ёшлар таълим-тарбиясига бағишлаган ҳар бир фидойи муаллимга нисбатан юксак хурмат-эҳтиром муҳитини шакллантиришимиз керак. Битта болани 11-синфгача тарбиялаб, вояга етказиш қанча машаққат?! Айниқса, синф раҳбарларига кўп нарсга боғлиқ, биз уларни эшитишимиз, қўллаб-қувватлашимиз керак. Мактабда ўзгартиш бўлмас экан, ҳеч қайси соҳада ўзгариш бўлмайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўқитувчи ва шифокорларнинг фидойи меҳнати, юксак ҳўлқ-атвори намунасини намойён этиш мақсадида тўлиқ метражли фильм ва сериаллар, уларнинг фаолияти ҳақида кўрсатувлар ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

Видеоселектор йиғилишида пандемия шароитида таълим жараёнини ташкил этиш бўйича долзарб чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Туман ва шаҳар ҳокимлари, сектор раҳбарлига мактабларни санитар талабларига мувофиқ, бирламчи воситалар билан

тўлиқ таъминлаш вазифаси қўйилди. Санитария хизмати марказлари 5 сентябрга қадар ўз ҳудудидаги мактабларнинг янги ўқув йилига тайёрлик ҳолатини ўрганиб, жамоага қўшимча ўқув-тренинглар ўтади. Бундан мақсад — мактабларга амалий ёрдам кўрсатиб, ота-оналарнинг кўнглини хотиржам қилишдир.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ўз туманидаги эпидемиологик шароитдан келиб чиқиб, мактаблар фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан тегишли қарор қабул қилади.

Халқ таълими вазирлигига ота-оналар ҳамда маҳаллий кенгашлар таклифларидан келиб чиқиб, янги ўқув йилини 14 сентябрдан бошлаш, мактабларда ҳаракатлар схемасини ишлаб чиқиб, тажрибадан ўтказиш бўйича топшириқ берилди.

Бу тажриба асосида ўқувчиларни мактабда ким кўтиб олиши, қайси синф қайси эшикдан кириши, синфхоналарнинг ҳавоси қанчон алмаштирилиши каби ҳар бир қадам аниқ белгилаб олинади. Бу салкам олти ойдан буён ўқув даргоҳини соғинган болаларнинг тезроқ мослашиши ҳамда хавфсизлигида муҳим ўрин тутди.

Ҳозирги синовли даврда мактаб директори, синф раҳбари ва ота-она ўртасидаги мулоқотни ҳар қачонгидан ҳам қўчайтириш, уйдан таълим оладиган ўқувчиларнинг ўзлаштиришини қўлайлик мониторингини қилиш лозимлиги таъкидланди. Бу ўқувчиларнинг яхши билим олиши, шу билан бирга соғ-саломат бўлишини таъминлайди.

Видеодарсларни сифатли тайёрлаш, бу жараёнга давлат ва нодавлат телеканалларини фаол жалб этиш, асуда телеканалда доимий эфирга узатиб бориш зарурлиги қайд этилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига жойларда рақамли телевидение сигналлари ва интернет тезлигини таъминлаш, чекка ҳудудлардаги коммуникация тизимларини тўлиқ тестдан ўтказиш бўйича кўрсатма берилди. Ўқувчилар учун интернетдан фойдаланишда имтиёзли "Мактаб" тариф режаси жорий этилиши айтилди.

Таълим муассасаларидаги тозалик ва озодлиқни сақлаш, синфхоналар ва атрофни дезинфекция қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда қайд этилганидек, ҳар бир мактабга ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари бириктирилиб, тартибни сақлаш ва карантин талабларига риоя этилишини назорат қилади. Ўқувчилар соғлиқдан доимий хабардор бўлиш мақсадида ҳудудий поликлиника ёки варақлик пунктларидан камиди бир нафардан тиббиёт ходими жалб этилади.

Тадқиқотлар ёш болаларда вирус енгил кенишини кўрсатмоқда. Бироқ ўқувчилар инфекциянинг ташувчисига айланиб қолишлари мумкин. Улар ўзлари билмаган ҳолда устозлари ёки оила аъзоларига, айниқса, ёши улғур кишиларга юқтириши хавфли ҳам инкор этиб бўлмайди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 26 августдаги "Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, педагоглар 1 октябрга қадар грипга қарши белул эмланади. Шу билан бирга, ўқитувчиларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантиришга кўрсатма берилди.

Ўқув даргоҳлари фаолиятида хавфсизлик чораларини кўриш, шунингдек, маҳаллаларда коронавирустга чалинган хонадонларни ўз вақтида аниқлаб, мактаб маъмуриятини тезкор оғохлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Мутасадди вазирликларга мактаблар учун пирометр ва дозаторлар харид қилиш ҳамда ҳудудларга етказиш бўйича топшириқлар берилди. Вилоят ҳокимлари мактабларни дезинфекция қилиш, антисептик воситалар, тиббий ниқоблар билан таъминлашга маъсۇл этиб белгиланди.

— Ҳар бир раҳбар ўз вазифасини чуқур ҳис қилиб, ишга садоқат ва маъсۇлият билан ёндашса, ҳам тизим ишлайди, ҳам халқимизнинг талабини бажарган бўламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда вазирлар ва вилоят ҳокимлари кун тартиби юзасидан ахборот берди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз мустақиллигини мустақкамлаш, унинг иқтисодий қудратини юксалтириш, барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, халқимиз фаровонлигини оширишга қўшган муносиб ҳиссаси, халқаро стандартларга мос ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштириш, илғор инновацион технологияларни амалиётга жорий қилиш, қўлай инвестиция муҳитини яратиш ва экспорт

салоҳиятини ошириш, ҳудудлар инфратузилмасини такомиллаштириш, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш йўлидаги улкан ҳизматлари, жамиятимизда миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустақкамлаш, ёш авлодни она Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларига ибратли фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қўйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

Давоми 2-бетда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустақкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қўйидагилар мукофотлансин:

"МЕҲНАТ ШУҲРАТИ" ОРДЕНИ БИЛАН

Тўхташев Абдил Касимович — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси

І ДАРАЖАЛИ "ШОН-ШАРАФ" ОРДЕНИ БИЛАН

Саидов Айбек Азодович — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий округ қўшинлари қўмондони

II ДАРАЖАЛИ "ШОН-ШАРАФ" ОРДЕНИ БИЛАН

Ахмадиллаев Фазлиддин Низомиддинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бўлим бошлиғи  
Муминово Абдирахим Абдурасулович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг ўринбосари  
Саидов Олим Чорикулович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йул ҳаркати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи

"ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН

Кондрикова Ольга Александровна — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳарбий-сафарбарлик бўлими катта инспектори  
Контюков Рамиль Ринатович —

Давоми 4-бетда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ВА ХОРИЖДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини мустақкамлаш, гуманитар соҳадаги кўп йиллик самарали ҳамкорликни ҳамда академик ва илмий-таълим алмашувлар бўйича узоқ муддатли дастурларни амалга оширишни қўллаб-қувватлашдаги шахсий ҳиссаси, шунингдек, халқаро муносабатлар ва иқтисодий соҳада юқори малакали мутахассисларни тайёрлашдаги бевосита иштироки учун мукофотлансин:

"ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН

Торкунов Анатолий Васильевич — Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлигининг Москва давлат халқаро муносабатлар институти ректори (Россия Федерацияси)

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини ривожига ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга қўшган катта ҳиссаси, Ўзбекистон Республикасидаги иқтисодий ислохотларни самарали амалга оширишга қаратилган муҳим ташаббус ва амалий

саъй-ҳаракатлари, Япониянинг етакчи компания ва ташкилотлари иштирокида мамлакатимиздаги устувор ижтимоий, инфратузилма ва сарможий лойиҳаларни, қўша маданий-гуманитар дастурларни рўйбга чиқаришга кўрсатаётган улкан кўмаги учун мукофотлансин:

"ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН

Таро Асо — Япония Бош вазири ўринбосари, молия вазири, Япония парламентидаги Ўзбекистон билан Дўстлик лигаси раиси (Япония)

Ўзбекистон Республикаси билан хар томонлама шериклик муносабатларини ривожлантиришга доир муҳим дастур ва лойиҳаларни рўйбга чиқаришдаги амалий кўмаги, халқлар ўртасидаги ўзаро бир-бирини англаш ва қўллаб-қувватлаш тамойилларини мустақкамлаш, дўстлик ва маданий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун мукофотлансин:

Давоми 3-бетда

### Даниэль РОЗЕНБЛОМ: АҚШ — ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚАЛАРИ ҲЕЧ ҚАЧОН БУГУНГИДЕК МУСТАҚКАМ БЎЛМАГАН



Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Даниэль Розенблом "Дунё" ахборот агентлиги муҳбирига мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги олдида интервью берди. Суҳбатда элчи Ўзбекистон — Америка икки томонлама ҳамкорлигининг бугунги ютуқларини қайд этиб, халқимизни яқинлашиб келаётган Мустақиллик куни билан табрикланди.

Давоми 5-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА  
ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ  
ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР  
ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ  
ХЎЖАЛИГИ ХОДИМИ» ФАХРИЙ  
УНВОНИ БИЛАН

Сайфитдинова Мاستураҳон — Кува туманидаги «Кува анори» агрофирмаси раҳбари, Фарғона вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЧОРВАДОР»  
ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

Жумаев Уткир Тошмурадович — Ғузур туманидаги «Қорақўлчилик илмий наслчилик тажриба станцияси» масъулияти чекланган жамияти директорининг маслаҳатчиси, Қашқадарё вилояти

Тураев Машраб Нархурозович — Нуробод туманидаги «Олга» масъулияти чекланган жамияти бош чўпони, Самарқанд вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ПИЛЛАЧИ»  
ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

Ниязова Марям Қадировна — Каттақўрғон туманидаги «Кумуш тола» хусусий корхонаси бош директори, Самарқанд вилояти

Явминова Раҳбархон Нишоневна — Наманган ҳудудий агропилла» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИҚТИСОДЧИ»  
ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

Бозаров Хайрулло Хайитбаевич — Наманган вилояти ҳоқими

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»  
ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

Инамов Раҳмат Нигматович — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи, Тошкент вилояти

Исунц Серб Армаисович — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси бош муҳандисининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари, Навоий вилояти

Холматов Холдар Инатович — «Жиззах аккумулятор заводи» акциядорлик жамиятининг цех бошлиғи, Жиззах вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»  
ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

Раджапов Мансур Кучкарович — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТРАНСПОРТ  
ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

Абдувалиев Абдурахман Абдулҳаевич — Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг ўринбосари — Автомобиль йўллари кўмитаси раиси

Каниязов Махсатбай Торебаевич — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Кўнгрот темир йўл масофаси йўл устаси, Қорақалпоғистон Республикаси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФУҚАРО  
АВИАЦИЯСИ ХОДИМИ» ФАХРИЙ  
УНВОНИ БИЛАН

Станкевич Андрей Викторович — «Uzbekistan Airways» акциядорлик жамиятининг учувчилар хизмати департаменти «Боинг-767» ҳаво кемаси командири

«ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдурахманов Ҳайдар Эшназарович — Зомин тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг кексалар ва фахрийларни қўллаб-қувватлаш, ёшларда ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш бўйича ўринбосари, Жиззах вилояти

Оқиев Сайитқули Мўминович — Олот

тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг кексалар ва фахрийларни қўллаб-қувватлаш, ёшларда ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш бўйича ўринбосари, Бухоро вилояти

Таджиев Амин Хамраевич — меҳнат фахрийси, Қорақалпоғистон Республикаси Юнусов Маҳаматали Юсупович — Фурқат туманидаги «Уста Юсуфжон наққош» оилавий корхонаси уста наққоши, Фарғона вилояти

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН»  
ОРДЕНИ БИЛАН

Бахрамов Аъзамхон Усмонович — Каттақўрғон тумани ҳоқими, Самарқанд вилояти

Закиров Батир Ирқинович — Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири

Кенжабоев Абдулажон — Олтиариқ туманидаги «Нурли обод» фермер хўжалиғи механизатори, Фарғона вилояти

Наубетова Алтинай — Шуманай туманидаги гилам тўқувчи хунарманд, Қорақалпоғистон Республикаси

Эшмуратов Абдулҳаким Хушбоқович — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сурхондарё вилоятидаги Халқ қабулхонаси муdiri

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдурахмонов Адхамжон — Олтиариқ туманидаги «Paradise Garden Fruits» ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари, Фарғона вилояти

Алихўжаев Раҳматхўжа — «Хунарманд» уюшмасининг Андижон вилояти бошқармаси аъзоси, пичоқчи уста

Ахмедов Дилмурот Рузимуротович — Бухоро вилояти «Ўзпаравтотранс» акциядорлик жамияти кран машинисти

Бакиров Низомидин Жалилович — Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиғи давлат кўмитаси раиси

Бурханов Кутбидин Нуқритдинович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитаси раиси

Дадажанов Усманжан — Марғилон шаҳридаги мисгар уста, Фарғона вилояти

Джалилов Салойдин — «Қуйи Зарафшон» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси хузуридаги Хатирчи тумани ирригация бўлими бошлиғи, Навоий вилояти

Джураева Саида Тешаевна — меҳнат фахрийси, Бухоро вилояти

Жуманиязов Қасим Жаҳиёвич — Шовот тумани «Темир йўл обод» чорвачилик ва паррандачиликка итисослашган комплекси раҳбари, Хоразм вилояти

Жуманиязов Хикмат Ахмедович — «Туямўйин гидроэлектростанцияси» унитар корхонаси смена бошлиғи, Хоразм вилояти

Инағамов Шухрат Асилевич — Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси хузуридаги Санитар тозалаш бўйича итисослаштирилган корхоналар республика бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари

Исмаилов Хайрулла Нуриллович — «Demesne trade» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Қадиров Закир Турабаевич — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Тошкент метрополитени» унитар корхонаси автокран машинисти, Тошкент шаҳри

Каримов Хуснидин Мўминович — Асака туманидаги «Обод турмуш ораси» фермер хўжалиғи бошлиғи, Андижон вилояти

Мамасалиев Исраил Юсупович — Жиззах шаҳридаги «Мерос» кўп тармоқли хусусий корхонаси раҳбари, Жиззах вилояти

Маҳкамов Камал Шарофович — «Қашқадарё кўприқлардан фойдаланиш» унитар корхонаси директори, Қашқадарё вилояти

Миноваров Шаазим Шаисламович — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази директори

Мусаев Бехзод Анварович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари

Мустафоев Улуғбек Мавлонович — «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

Мухамедов Раҳимжон Рихсибаевич — Юнусобод туманидаги «Gold Step Invest» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Назарқулов Баракатулла — Янгиобод туманидаги «Хавотог» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Жиззах вилояти

Назиров Фахриддин Фатхуллович — «12-трест» акциядорлик жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

Олимов Абдурашит Рўзиевич — «Шарғунқўмир» акциядорлик жамияти бульдозер машинисти, Сурхондарё вилояти

Раджабова Тожиой — «Хунарманд» уюшмасининг Ургут тумани бўлими зардўзлик

йўналиши «Устоз-шоғирд» мактаби раҳбари, Самарқанд вилояти

Садиков Шухрат Муҳаммадҷанович — Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири

Саломов Маматқул — Оҳангарон туманидаги «Жасур агро бизнес» фермер хўжалиғи бошлиғи, Тошкент вилояти

Соатов Тўхтамиш Каримович — Шўрчи тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси автогрейдерчиси, Сурхондарё вилояти

Султанов Айтбай Қойлибаевич — Нукус туманидаги «Нукус Эркин қурилиш» масъулияти чекланган жамияти пайвандчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Султанов Алишер Саидаббасович — Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири

Султанов Муратхон Юлдашевич — «Қурилиш бирлашмаси» давлат унитар корхонаси бош мутахассиси

Турсунов Кобул Бекназарович — Навоий вилояти ҳоқими

Узаков Байрамбек — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жиззах вилоятидаги Халқ қабулхонаси муdiri

Умурақов Шавкат Буранович — «Ўзавтосаноат» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

Усмонов Абдуғани Суннатович — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Жанубий кон бошқармаси «Зармитан» кони лаҳимчиси, Навоий вилояти

Файзиёва Гулнора Усмоновна — Қасби туманидаги «Ўжақулов Бекжон» фермер хўжалиғи бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Ҳайитов Ақтам Аҳмадович — Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси

Ҳакимов Бахтиёр Ибрагимович — «Uzbekistan Airways» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

Ҳакимов Ботирали Жўрабаевич — меҳнат фахрийси, Наманган вилояти

Ҳатамов Абдинаби Уралович — «Ўзбеккумир» акциядорлик жамиятининг «Ангрен кўмир кони» филиали тоғ-кон участкаси экскаватор машинисти, Тошкент вилояти

Шимбергенов Мурат Адилбаевич — Нукус шаҳридаги «Қардар ишлаб чиқариш маҳсулотлари» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаев Улуғбек Тахирович — Ўзбекистон Республикаси «Хунарманд» уюшмаси раиси

Абубакиров Махсетбай Кенесбаевич — Мўйноқ туманидаги «Мадел» овул фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Агзамходжаев Алишер Анварович — Ўзбекистон Республикасининг Туркиядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси

Адиллов Давронжон Кабилджанович — Юнусобод туманидаги «Gold Step Invest» масъулияти чекланган жамияти директорининг қурилиш бўйича ўринбосари, Тошкент шаҳри

Алимов Шерзод Гайратович — Ангор туманидаги «Ангор Сурхон гурури» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Сурхондарё вилояти

Ахроров Зайниддин Худойқулович — Ургут туманидаги «Ургут текстиль шифер» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти

Барноев Ҳамро Чулмуродович — Миришкор туманидаги «Усмон Юсупов агросервис МТТТ» масъулияти чекланган жамияти комбайнчиси, Қашқадарё вилояти

Бобомуродов Салоҳиддин — Самарқанд шаҳридаги «Samarqand Tian Zhu Silk Worm» қўшма корхонаси таъсисчиси, Самарқанд вилояти

Буранов Улуғбек Маннанович — Зомин тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси раҳбари, Жиззах вилояти

Вафаев Шухрат Абдушарифович — Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари

Вахабов Даврон Абдулжалолович — Шахрисабз шаҳридаги «Оқ сарой кластер» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қашқадарё вилояти

Воробьев Николай Тарасович — «Ўзбекгеофизика» акциядорлик жамиятининг «Устюрт геофизика экспедицияси» филиали «Шимолий Ўзбекистон» кон геофизика партияси машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

Гафуров Умар Хасанович — Сирдарё туманидаги «Темур Мед Фарм» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Сирдарё вилояти

Жамолдинов Авазбек Акбарович — Улуғнор туманидаги «Андижон бройлер» фермер хўжалиғи бошлиғи, Андижон вилояти

Ибрагимов Мурат Лекимович — «Interstaller group» масъулияти чекланган жамияти бош дизайнери, Тошкент шаҳри

Иминов Одижон Каримович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси раиси ўринбосари

Исмаилова Насибахон Турғунбаевна — «Электроманит молшашув маркази» давлат унитар корхонаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Исматуллаев Дилшод Хайруллаевич — Чуст туманидаги «Чуст текстиль» хусусий корхонаси директори, Наманган вилояти

Ишназаров Бекназар — Термиз шаҳридаги «Термиз тезкор қурилиш» итисослаштирилган қурилиш-таъмирлаш корхонаси муҳандиси, Сурхондарё вилояти

Қодиров Ботиржон Муҳаммадқодир ўғли — Бўстон туманидаги «Сайёра фаввораси» хусусий корхонаси таъсисчиси, Андижон вилояти

Ли Сергей Дмитриевич — Гурлан тумани телекоммуникация боғламаси муҳандиси, Хоразм вилояти

Магаметова Гулшайра Исламовна — «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» давлат унитар корхонасининг бино ва иншоотлар қурилиши йўналиши бўйича институти бош архитектори

Маматов Ваҳид Махсудович — «Бектемир металл конструкциялари» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

Миртазобеков Асалбек Хомидович — Сўх туманидаги «Асалобод» хусусий корхонаси раҳбари, Фарғона вилояти

Молодцова Раҳиля Акбаралиевна — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг 2-мис бойитиш фабрикаси кран машинисти, Тошкент вилояти

Муҳамедназаров Лутфулла Хакназарович — Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиғи вазириликнинг Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази бўлим бошлиғи

Мухитдинов Эркин Мадорбекович — Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари

Расулов Ходжиақбар Абдурахимович — меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Рафиков Суҳроб Абдуғафарович — Самарқанд вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси

Рахматов Олим Бобомуродович — Бухоро вилояти туркман миллий маданий маркази раиси

Саламов Фарход Исломович — Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки бошқаруви раиси

Салатдинов Бахит Тажетдинович — Нукус шаҳридаги «Бахит Миратдин қурилиш» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

Саримсақов Тахир Мулаханович — Наманган шаҳридаги «Дегрез қурилиш савдо саноат сервис» хусусий корхонаси муҳандиси, Наманган вилояти

Саттаров Утқур Хамидович — Ўзбекистон туманидаги «Соҳибкор Тоғай» фермер хўжалиғи бошлиғи, Фарғона вилояти

Сейданов Қалдибек — Республика қозоқ миллий маданий марказининг оқсоқоллар кенгаши раиси

Собиров Саматжон Набижонович — Чуст туманидаги «Наби Собир» фермер хўжалиғи бошлиғи, Наманган вилояти

Султанов Дилшод Шухратович — Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари

Султанов Иброҳим Аширалиевич — Қўштепа туманидаги «Исмоилжон гиламлари» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари, Фарғона вилояти

Тажетдинов Айбек Алтинбекович — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг молия-иқтисодий ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири

Тоҳиров Раҳматилло — Вобект туманидаги «201-хўжалиқларро кўчма механизациялашган колонна» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

Турсунов Асаджон Акбарович — «Uzbekistan Airways» акциядорлик жамиятининг учувчилар хизмати департаменти «Боинг-787» ҳаво кемаси командири

Турсунова Сабоат Акрамовна — Пешку туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Бухоро вилояти

Файзуллаев Зафар Джаруллаевич — Бекобод шаҳар ҳоқими, Тошкент вилояти

Филатова Ольга Петровна — «Universal Mobile Systems» масъулияти чекланган жамияти бош директорининг техника ва ахборот технологиялари бўйича ўринбосари

Ҳайдаров Илхом Уткурович — Ўзбекистон тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналари уюшмаси раиси

Ҳалилов Мухтар Исмаилович — Андижон шаҳридаги «Хон» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

Ҳалимова Сагадат Эсамбаевна — Зафаробод туманидаги «Бог боши» фермер хўжалиғи бошлиғи, Жиззах вилояти

Ҳамраева Лола Адилевна — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг механика таъмирлаш цехи кран

машинисти, Тошкент вилояти

Холмуродов Бахтиёр Очилович — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг техник назорат хизмати бошлиғи, Навоий вилояти

Шержанов Раимбой — Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмасининг Янгибозор тумани Кенгаши раиси, Хоразм вилояти

Юнусов Салоҳиддин Таҳирович — Фарғона туманидаги «EkoKerama» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Фарғона вилояти

Ярқулова Юлдахон Газимовна — Қармана туманидаги «Воҳид Мусо» фермер хўжалиғи бошлиғи, Навоий вилояти

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН»  
МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуллаев Нурали Юсуфалиевич — Поп туманидаги «Кафолат инвест» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Наманган вилояти

Абидов Шерзод Абдусаматович — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси котибият муdiri

Адиллов Жамбул Агитаевич — Тахтақўпир тумани ҳоқими, Қорақалпоғистон Республикаси

Аманов Махмуджон Эшбекович — Мирзаобод туманидаги «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сирдарё вилояти

Асадов Ботиржон Закирович — Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси

Атаджанов Тимур Атабаевич — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси-нинг масъул ходими

Ахмедов Рустам Сангинович — «Сергели махсустрас» автотранспорт филиали ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

Бақоев Махмуд Узоқович — «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» масъулияти чекланган жамиятининг компрессор қурилмаси машинисти, Бухоро вилояти

Бердибаев Ҳамдам Курбанбаевич — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бўлим муdiri

Бойигитов Йўлчибой Ўринбосарович — Ўзбеки

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

 Бошланиши 1-2-бетларда

**Марасулов Фархад Садиканович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

**Маҳатов Муродулло Сулайманович** — Бахмал туманидаги “Олис тоғлар” фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**Мирдадаев Сайфидин Мирабдуллаевич** — “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг Наманган филиали капитал қурилиш ва таъмирлаш участкаси электромонтёри, Наманган вилояти

**Мирзакулов Батиржон Казакбаевич** — Сайхунбод тумани ҳокими, Сирдарё вилояти

**Нарзуллаев Набибулло Насруллаевич** — Каттақўрғон шаҳридаги “Metal Solution Technologies” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Самарқанд вилояти

**Нематова Наргиза Исамиддиновна** — Олот тумани ҳокими, Бухоро вилояти

**Низамов Сайфиддин Фахриддинович** — Тошкент вилояти ҳокимининг туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари

**Пайғамбаров Абдумуталиб Абдубаннобович** — Учкўприк туманидаги “Азизов Акбарали” фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

**Пардаев Рустам Убодуллаевич** — Сурхондарё вилояти ҳокимининг молия-иқтисодий ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари

**Рахманов Қудрат Раджабаевич** — Урганч шаҳридаги “Жайхун қурилиш” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

**Рахмонқулов Акрам Бахритдинович** — Жиззах вилояти ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари

**Рахмонов Давлат Амонович** — Сардоба туманидаги чорвадор-чўпон, Сирдарё вилояти

**Рихситиллаев Нуриддин** — “Чирчик-Оҳангарон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бўлим бошлиғи, Тошкент вилояти

**Салихов Нозим Мелсович** — Навоий шаҳридаги “Жанубсаноатмонтаж” акциядорлик жамияти таъсисчиси, Навоий вилояти

**Саломов Шерали Хусенович** — Қорақўл тумани ҳокими, Бухоро вилояти

**Сапарбаев Атабек Худайбергенович** — Беруний тумани ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси

**Сулаймонов Мирсамат Пулатович** — Паркент туманидаги “Муҳандис плюс лойиҳа” масъулияти чекланган жамияти экскаватор машинисти, Тошкент вилояти

**Тамикаев Абдихош Улашбаевич** — Зангиота тумани ҳокими, Тошкент вилояти

**Тойчиев Нусратбек Давранкулович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ўринбосари

**Туйчиев Рахатжан Турсинович** — Избоскан туманидаги “Избоскан шоналари” фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

**Турсунов Абдулла Карабашович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Умаров Анвар Хуснутдинович** — Тошкент шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси

